

ISSN: 2545-0573

## МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ТУРИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ

Музаффарова Камола Зойировна

*ҚарМШИ катта ўқитувчиси*

Эшмуродова Севинч Улуғбек қизи

*ҚарМШИ талабаси*


---

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:**

Инвестиция, хорижий инвестиция, транспорт, хизмат кўрсатиш, импорт, экспорт, туризм, туристик фирма, ялпи ички маҳсулот, рақамли иқтисодиёт.

---

### Аннотация

Ушбу мақолада минтақа иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишда туризм соҳасининг аҳамияти, туризм орқали минтақа иқтисодиётини ривожлантириш йўналишлари ҳақида батафсил ёритилган.

---

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

**Кириш.** Жаҳон иқтисодиётида хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий дастаги бўлиб ҳисобланади. Хорижий инвестицияларни фаол жалб этишда туризм соҳасининг ҳам аҳамияти беқиёсдир. Бугунги кунда жаҳонда туризм соҳаси барча инфратузилмаларнинг ривожланишига асосий таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Туризмни ривожлантириш транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асос бўлиб, бу охири-оқибатда уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳасига айлантиради.

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ туризмни ривожлантириш, ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, туризм билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиб бериш ҳамда туризм учун инфратузилмани шакллантириш борасида ишлар доимо жадал суръатлар билан давом эттириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 4 октябрда Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлганлиги бунга яққол далилдир.

**Адабиётлар шарҳи** Қашқадарё вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш йўналишларидан бири бу туризм соҳасидир. Туризм минтақада рақамли иқтисодиётни шакллантириш, аҳолини иш билан бандлигини ва даромад олишини таъминлайдиган ҳамда хорижий валюта тушумларини таъминловчи соҳадир. “Чунки туризм дунё ялпи маҳсулотининг тахминан 6% ни, глобал инвестицияларнинг 7% ни, ҳар 16 – инсон банд бўлган соҳа, глобал истеъмол харажатларининг 11% ни ва барча солиқ тушумларининг 5% ни ташкил этади

Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги Қонунининг 3-моддасида қуйидагича таъриф келтирилган: “Туризм – жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатадаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”[2].

Туризм орқали мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича бир қанча олимлар ўз тадқиқотларини олиб борганлар. Масалан, Н.Ҳайдаровнинг фикрига кўра, мамлакатда таълим соҳасига мамлакатда таълим соҳасига хорижлик талабаларни қабул қилишни кескин кўпайтириш керак. Улар камида 4 йил ўқиш даврида туристлар каби ҳаёт кечиради. Уларни ўқиш даврида ота-оналари ва яқин дўстлари кўриб кетиш учун келиб-кетиш имконияти жуда катта[3].

Ш.Рўзиев эса ўз тадқиқотлари натижасига кўра, Республикамизда туризмни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара бериши ҳаммамизга аён, чунки у хорижга ресурс чиқармай (пахта, газ, нефть) валюта олиб кириш имконини беради, [4] деб айтади.

Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2021 йил 1 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шундай экан, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда инвестицияларни жалб этиш учун туризм соҳасининг аҳамияти юқори ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида минтақа иқтисодиётини ривожлантириш бўйича бир қанча олимларнинг илғор тажрибалари ўрганилди. Туризм бўйича расмий статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Мақолада назарий мушоҳада, тизимли ёндашув, кузатиш, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, синтез каби усуллардан самарали қўлланилди.

### **Натижа ва муҳокама**

Қашқадарё вилоятида саноатни барқарор ривожлантиришда мавжуд бўлган муаммолар қуйидагилардан иборат:

- саноатнинг таркибий ривожланишида номунатосибликларнинг мавжудлиги, унда хомашёни қайта ишлаш тармоқлари (пахтани қайта ишлаш 35,1%) улушининг юқори даражада эканлиги;
- саноатнинг машина парклари ва ускуналар эскиришининг юқори даражаси ва уларни қайта жиҳозлашнинг паст даражаси ўртасидаги номунатосибликнинг мавжудлиги;
- саноатда фан сиғимли инновацион рақамли иқтисодиёт тармоқлари улушининг камлиги;
- баъзи бир саноат корхоналарининг молиявий ночорлиги.

Қашқадарё вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш йўналишларидан бири бу туризм соҳасидир. Туризм минтақада рақамли иқтисодиётни шакллантириш, аҳолини иш билан бандлигини ва даромад олишини таъминлайдиган ҳамда хорижий валюта тушумларини таъминловчи соҳадир. Ушбу туризм йўналишини мамлакатимизда ва унинг минтақаларида ривожланиб бораётганига асосий сабаб юртимизда ва унинг минтақаларида диққатга сазовор ёдгорликлар, уларнинг тарихи ва ўзига хос диққатга сазоварлигидир. Шу сабабли республикамизда ва хусусан Қашқадарё вилоятида сайёҳлик соҳасини АКТ соҳаси билан уйғун модернизациялаш, соҳани барқарор ривожлантириш учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, хорижий меҳмонларга халқаро стандартларга мувофиқ рақамли технологияларга асосланган хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат

туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон Фармониининг 9-бандига мувофиқ Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Қашқадарё ҳудудида туризмни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ва унга Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан, истисно тариқасида, 200 млрд сўм миқдоридаги маблағларни ажратиш белгиланган.

Жамғарма маблағлари сарфланадиган асосий йўналишлар этиб қуйидагилар белгиланган:

- ✓ Қашқадарё вилоятидаги туризм салоҳиятига эга ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тартибга келтириш;
- ✓ туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмани куриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш, модернизация қилиш ишларини олиб бориш ва ободонлаштириш;
- ✓ оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш харажатларининг бир қисмини субсидиялаш;
- ✓ туризм зоналарининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини тайёрлаш, туризм кўчаларини ташкил этиш;
- ✓ моддий маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш;
- ✓ махсус пиёдалар ва велосипед йўлакларини яратиш;
- ✓ туризм тарғиботи ишларини ташкиллаштириш;
- ✓ Шаҳрисабз туризм ва сервис коллежини таъмирлаш.

Туризм соҳасида рақамлаштириш жараёни энг долзарб аҳамиятга эга бўлган соҳаларидан биридир. XXI асрда рақамли туризм платформалари турли шаклларда ривожланмоқда, шулардан бири туроператорлари томонидан ишлаб чиқилган турларни онлайн харид қилишдир. Бундай хизматларни таклиф этадиган Интернет-ресурслар рўйхатига Agoda, Airbnb, Booking.com, Despegar, Hotels.ng, Travelta.ru қидирув тизимлари ва онлайн-сайёҳлик дўкони ва бошқалар киради. Масалан, қидирув тизимлари ўзларини кўплаб туроператорларнинг таклифига биноан миждозларнинг шахсий хоҳиш ва истакларини инобатга олган олдиндан белгилаб қўйилган мезонлар асосида мос турларни қидиришга имкон берадиган ресурслар сифатида жойлаштирадидлар, туристлар сўнгги дақиқаларда ўзларига мос турларни топадилар, сотиб олиш битимининг вақтини ўтказиб юбормаслик учун мазкур турларининг нархлари ўзгаришини кузатадилар.

“Туризмни рақамлаштириш жараёни яна бизга шуни берадики, электрон иловаларда туризм хизматларини ва махсулотларини энг сифатли, ҳамёнбоп ҳамда муқобил вариантларини қидириб топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш жуда тезкорлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради”[6]. Ўзбекистонда ва унинг Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантиришда улкан салоҳиятга эга бўлиб, унда кўхна тарихга эга жами 1321 та моддий-маданий мерос объекти, шундан Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий объектлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мерос объектлари рўйхатига олинган. Жумладан, ҳисобга олинган тарихий ва маданий мерос объектларининг 1043 та археологик, 208 та меъморий, 27 та диққатга сазовор жой, 43 та монументал санъат ёдгорликлари мавжуд[7].

Бундан ташқари Қашқадарё вилояти ўзининг миллий таомлари билан ҳам Республикамизда ўз ўрнига эгадир. Айниқса, Қашқадарё тандир гўшти ўзининг алоҳида таъми билан кўпчилик давлатлар орасида таниқлидир. Шундай экан, бугунги кунда минтақа Гастрономик туризм соҳасини ривожлантириш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра минтақаниннг иқтисодий кўрсаткичларига ва ЯХМ ҳажмининг ошишига туристик тармоқ тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бу тармоқнинг яна бир кучли томони шундаки, минтақаниннг бошқа тармоқлари фаолиятига, хатто депрессив ҳолатдаги саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган минтақалар иқтисодиётининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб уларнинг фаолиятини соғломлаштиришга кўмак бўлади деб ҳисоблаймиз.

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, минтақа иқтисодийтини ривожлантириш учун туризм соҳаси ўз ўрнига эгадир. Минтақада туризмни ривожлантириш учун қуйидагиларга аҳамият қаратиш лозим:

- туристларга минтақамиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, минтақанинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи веб-сайтни йўлга қўйиш;
- минтақамизда туризм соҳасида фаолият юритувчи гидларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш билим ва кўникмаларини баҳолаш бўйича махсус дастурий тизим яратиш, бунда гидларни имтиҳонлардан ўтказиш ва малакасини ошириш ишларида инсон омили иштирокини имкони борича чеклашга қаратилган алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- вилоятнинг туризм салоҳияти мавжуд ҳудудларида муҳандислик-коммуникация ва туризм инфратузилмасини яхшилаш, ёндош инфратузилмани қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш ишларини олиб бориш;
- вилоятда гастрономик туризмни ташкил этиш мумкин бўлган объектлар рўйхатини шакллантириш;
- вилоятдаги оилавий меҳмон уйлари ташкил қилмоқчи бўлган тадбиркорлик субъектларига оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиш учун субсидиялар ажратиш;
- вилоятда замонавий санитария-гигиена шохобчалари, туристик ахборот марказлари ёки ташриф марказлари («visitor center») ташкил қилиш ҳамда туристик хариталар, йўл кўрсаткичларини ўрнатиш;
- сувенир, хунармандчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо шохобчалари жойлаштирилишини назарда тутувчи туристик кўчалар, шунингдек, вилоятдаги йўللарда махсус пиёдалар ва велосипед йўлакларини ташкил қилиш;
- Туристик ташкилотлар томонидан хорижий валюталарнинг Ўзбекистонга киритилишини янада рағбатлантириш мақсадида, уларга солиқ имтиёзлари бериш, яъни уларнинг хорижий валютадаги даромадларининг маълум қисмини солиқлардан озод қилиш ва бошқалар. Бу эса тадбиркорларнинг соҳага янада кўпроқ инвестиция ажратишига сабаб бўлади.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Богомазова И.В., Аноприева Е.В., Климова Т.Б. Цифровая экономика в индустрии туризма и гостеприимства: тенденции и перспективы // Сервис в России и за рубежом. 2019. Т. 13. Вып. 3. С.34-47. DOI: 10.24411/1995-042X2019-10303
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида” ги Қонуни, 3-модда 2019 йил 18 июль
3. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очiq иқтисодий: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибадорлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ
4. Ш.Рўзиев “ Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. № 6, ноябр-декабр, 2020й
5. Саримсақов Д.Х. Туризм соҳасининг рақамли ривожланиш босқичлари таҳлили. Пути и механизми дальнейшего развития и либерализации экономики в свете реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» Материалы IX/ Форум экономистов/ под общей редакции к.э.н. Ахмаджанова Ш.Х. Т.: IFMR.2017.-С.489.
6. Умирова Д.С. Қашқадарё вилояти маданий-тарихий туризмнинг салоҳияти ва истиқболлари. d.umirova@tsue.uz